ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O‘zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№86 (1039)
2026 йил 6 октябрь, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

Наманганда янги шаҳар барпо этилмоқда



Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 11 мартда қабул қилинган “Наманган шаҳрида “Янги Наманган шаҳарчаси” замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Янги Наманган шаҳарчаси барпо этилмоқда.

Лойиҳа Наманган шаҳри, Давлатобод ва Тўрақўрғон туманларидаги 1 минг 203 гектар майдонни қамраб олади. Шаҳарча қурилиши уч босқичда амалга оширилиб, биринчи босқич 2018–2021 йилларга, иккинчи босқич 2024–2026 йилларга, учинчи босқич 2026–2030 йилларга мўлжалланган.

Биринчи босқичда 114 та турар жой биносида 3 минг 841 та хонадон, 150 ўринли болалар шифохонаси, 990 ўринли умумтаълим мактаби, 360 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ҳамда 30 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари фойдаланишга топширилди.

Иккинчи босқичда 183 та турар жой биносида 20 минг 490 та хонадон қурилиши режалаштирилган. Айни пайтда 89 та уйда қурилиш ишлари бошланган бўлиб, 23 таси битказилди ва 2 минг 946 та хонадон фойдаланишга топширилди. Йил якунига қадар яна 21 та уй қурилиб, 2 минг 719 та хонадонни топшириш кўзда тутилган.

Ҳудудда 6 та мактаб, 6 та мактабгача таълим ташкилоти, шифохона, спорт мажмуалари, кутубхона, санъат галереяси, IT-парк, меҳмонхона, бизнес маркази ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилмоқда. Шунингдек, 58 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон боғи” ташкил этилди.

Учинчи босқичда маъмурий марказ, кўп қаватли турар жойлар, меҳмонхоналар, бизнес марказлари ва офислар қурилади.

Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, шаҳарча ҳудудида 721 та турар жой объектида 50 мингдан ортиқ хонадон, 28 та мактаб, 24 та мактабгача таълим ташкилоти ва 5 та шифохона барпо этилиб, 200 мингдан ортиқ аҳоли учун замонавий шаҳарча шаклланади.

Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик билан таъминлаш мақсадида умумий қуввати 60 мегаватт бўлган янги қозонхона ҳам қурилмоқда.





▲ Қурилиш жараёнларидан лавҳалар. Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Асака туманининг бош режаси муҳокама қилинди



Ҳудудларнинг замонавий қиёфасини шакллантириш, шаҳарсозлик ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда аҳоли пунктларини истиқболда ривожлантириш масалалари доимий эътиборда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” давлат муассасаси бош лойиҳа институтининг мажлислар залида бўлиб ўтди. Унда республикадаги бош режа ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ҳудудлар бўйича амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, ишлаб чиқилган бош режаларни муҳокама қилиш ва тегишли тартибда кўриб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилиш давомида Андижон вилояти Асака туманининг янги ишлаб чиқилган бош режасининг тақдимоти ўтказилди. Унда ҳудуднинг мавжуд шаҳарсозлик ҳолати, истиқболдаги ривожланиш йўналишлари, аҳоли яшаш ҳудудлари, ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш, транспорт тизимини такомиллаштириш ҳамда ҳудудлардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ ечимлар юзасидан маълумотлар тақдим этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ–299-сон қарори билан тасдиқланган дастурга киритилган аҳоли пунктлари рўйхатини такомиллаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, мазкур рўйхатга қўшимча киритиш бўйича вилоятлар томонидан билдирилган таклифлар муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ЖДС дастурининг янги босқичи: сунъий интеллект, “ақлли шаҳарлар” ва замонавий бошқарув



Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорликда инсон капиталини ривожлантириш, давлат хизматчиларининг касбий салоҳиятини юксалтириш ва илғор халқаро тажрибани давлат бошқаруви амалиётига жорий этиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Мазкур йўналишда Япония халқаро ҳамкорлик маркази (JICE) билан Инсон ресурсларини ривожлантириш стипендия дастури – ЖДС доирасидаги ҳамкорлик изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги директори в.б. Улуғбек Хусаинов ҳамда JICEнинг Ўзбекистондаги ЖДС лойиҳаси офиси минтақавий лойиҳа раҳбари Томоми Игараши ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот давомида ЖДС дастурини янги ривожланиш устуворликлари асосида такомиллаштириш, унинг қамровини кенгайтириш ҳамда Ўзбекистон давлат сектори учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан:

– ЖДС дастури учун 2027-2028 ўқув йилига магистратурага қабул жараёнларини ташкил этиш;

– ЖДС дастурини такомиллаштириш ва юқори малакали номзодларни жалб этиш, шунингдек, таълим йўналишларини экологик барқарорлик, иқлим ўзгаришларига мослашувчанлик ва бошқа замонавий ривожланиш устуворликларига мослаштириш;

– Япония тажрибасини ўрганиш имкониятларини кенгайтириш – сейсмик хавфларни бошқариш, фавқулодда вазиятларга тайёргарлик, барқарор инфратузилма, рақамли эгизаклар (Digital Twins), ГИС ҳамда интеллектуал транспорт тизимлари каби йўналишларда билим ва кўникмаларни ривожлантириш;

– ЖДС битирувчилари салоҳиятидан самарали фойдаланиш, уларнинг Ўзбекистонга қайтгач касбий ривожланиши ва давлат бошқаруви тизимига қўшаётган ҳиссасини тизимли мониторинг қилиш, шунингдек, истиқболли битирувчиларни давлат фуқаролик хизмати учун миллий кадрлар захирасига жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида ЖДС дастурини янги ривожланиш босқичига олиб чиқиш, уни Ўзбекистоннинг стратегик устувор йўналишлари билан уйғунлаштириш ҳамда замонавий билим ва илғор Япония тажрибасини давлат бошқаруви амалиётига кенг татбиқ этиш бўйича ҳамкорликни изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига мувофиқ, Бошқарув самарадорлиги агентлигига давлат хизматчилари учун хорижда ўқиш имкониятини берувчи халқаро стипендия дастурларига “Миллий ҳамкор” функциясини амалга ошириш юклатилган.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш доирасида Япония халқаро ҳамкорлик маркази “Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар тақдим этиш” ЖДС лойиҳаси билан олиб борилиган музокаралар натижасида мазкур лойиҳанинг ташкилий қўмитасига раислик қилувчи сифатида Бошқарув самарадорлиги агентлиги вакили белгиланди.

Ўз мухбиримиз.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Жаҳон банки ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (ГИЗ) кўмагида “Олий таълим ташкилотлари талабалари томонидан “оғир” тоифадаги маҳаллаларни ривожлантиришга қаратилган мастер-режа лойиҳаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш” мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Мастер-режалар ишлаб чиқиш бўйича амалий семинар ўтказилди



Семинарнинг асосий мақсади – “оғир” тоифадаги маҳаллаларни ривожлантиришга қаратилган мастер-режаларни ишлаб чиқишда иштирок этувчи олий таълим ташкилотлари талабалари ҳамда уларга бириктирилган педагогларга тавсиявий техник топшириқ асосида ишларни самарали ташкил этиш бўйича зарур тушунча ва амалий тавсиялар беришдан иборат бўлди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги мастер-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича лойиҳа офислари, шунингдек, маҳаллий лойиҳа ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Семинар давомида мастер-режаларни ишлаб чиқишга оид амалдаги қонунчилик талаблари, уларни тайёрлаш амалиёти, шунингдек, ҳудудларда амалга оширилаётган мастер-режа лойиҳалари юзасидан тақдимотлар ўтказилиб, тегишли тажриба ва маълумотлар алмашилди.

Семинар якунида талабаларни амалий лойиҳалар билан яқиндан таништириш мақсадида Ислом цивилизацияси маркази ҳамда унга туташ маҳаллаларга ташриф ташкил этилди.

Ўз мухбиримиз.



uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today

Реновация
дастури асосида янги кўп қаватли турар жой биноси барпо этилмоқда



Бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида шаҳарларнинг тарихий марказларини, эски турар жой фондини ва умумий инфратузилмасини янгилаш, уларни замонавий талабларга мослаштириш долзарб масала ҳисобланади. Ушбу жараён шаҳарсозлик сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида реновация деб аталади. Реновация – бу фақат қурилиш ёки бузиш эмас, балки шаҳар муҳитини комплекс ривожлантириш, фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасидир.





Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Хусусан, эски турар жой фондларини янгилаш, кўп қаватли уйларни таъмирлаш ёки бузиб, ўрнига замонавий иншоотлар қуриш, инфратузилмани модернизация қилиш, сув, иссиқлик, электр ва транспорт тармоқларини янгилаш, яшил ҳудудларни кўпайтириш, экологик муҳитни яхшилаш, дам олиш боғлари ва парклар яратиш, шаҳар архитектура қиёфасини яхшилаш, замонавий дизайн ва миллий меъморчилик элементларини уйғунлаштириш реновациянинг асосий мазмун-моҳияти ҳисобланади.

Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида ҳам ренновация лойиҳаларини амалга ошириш жараёнлари бошлаб юборилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 6 мартдаги “Сирдарё вилоятида ишбилармонлик муҳити, инфратузилма ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–93-сонли қарорига асосан, Сирдарё вилояти ҳокимининг 2025 йил 1 майдаги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор асосида Гулистон шаҳрининг Намуна маҳалласи Ўзбекистон шоҳ, Гулистон ва И. Каримов номли кўчалари оралиғида маънан эскирган бир ва икки қаватли турар ва нотурар объектлар ўрнига, реновация дастури асосида ташаббускор инвестор “Аҳмадбек Қурилиш Трио” МЧЖ томонидан тақдим қилинган замонавий биринчи қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектларига эга бўлган 9 қаватли 976 та хонадонга мўлжалланган турар жойлар ҳамда 150 ўринли хусусий мактабгача таълим ташкилоти биноси қурилиши бўйича лойиҳа таклифи, бош режаси ва чегара схемаси тасдиқланган.

Бугунги кунда ташаббускор инвестор “Аҳмадбек Қурилиш Трио” МЧЖ томонидан реновация дастури доирасида ўзига ажратилган 3,046 га ер майдонида қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, кўп қаватли турар жой биноси қурилиш жараёнида 100 га яқин малакали ишчи-ходимлар ва турли хилдаги техникалар жалб қилинган.

Реновация дастурини амалга ошириш жараёнида эски уйларнинг бузилишида аҳолининг розилиги ва компенсация масалалари, очиқ мулоқот, шаффоф баҳолаш ва янги уй билан таъминлаш механизмларини жорий қилиш орқали ҳал этилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, шаҳарсозлик реновацияси – бу фақат қурилиш эмас, балки жамиятнинг маданий, иқтисодий ва ижтимоий ривожига хизмат қилувчи жараёндир. У орқали шаҳарларимиз нафақат замонавий, балки инсонпарвар ва барқарор муҳитга айланади. Шу боис, реновация ишларини амалга оширишда жамоатчилик фикри, илмий ёндашув ва барқарор ривожланиш тамойилларига қатъий риоя қилиш зарур.

Масъулиятни ҳис этиб

Кейинги йилларда Тойлоқ туманида кўп қаватли уй-жой қуришга катта эътибор қаратилмоқда. “Siyob Building” МЧЖ қурувчилари саъй-ҳаракати туфайли аҳоли замонавий, кўркам уйларга кўчиб ўтмоқда. Биргина ўтган йили Чароғбон маҳалласида 17 та 12 қаватли иморат қад ростлаганининг ўзиёқ бу фикрни тасдиқлайди.



Ҳамза ШУКУРОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Янги хонадонларни саронжом-саришта тутиш, уларга коммунал хизматлар кўрсатиш, куз- қиш мавсумини беталофат ўтказиш ҳам эндиликда давр талабига айланяпти. Ўзбекистон Республикасининг “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ташкил этилган “Янги Тойлоқ бошқарув сервис” МЧЖ ходимлари ана шундай масъулиятни зиммага олган ҳолда халқимизнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўз хизматларини таклиф этаётганлиги қувончлидир.

– Боғизағон, Боғичинор ва Жумабозордаги битта-иккита эски “этаж”ларни ҳисобга олмаганда асосан янги уйларга хизмат кўрсатяпмиз, – деди жамият раҳбари Анвар Курбонов. – Шу боис, муаммолар унча кўп эмас. Лифтларни сақлаш, атрофни ободонлаштириш, газ, электр ва иссиқ, совуқ сув таъминотида узилиш бўлмаслигига эришиш – асосий вазифамиз ҳисобланади. Муҳандис- техник ходимлар ўз бурчларини намунали бажараётганлиги туфайли барча юмушлар вақтида ҳал этиляпти. Бинобарин, биз халқимизнинг фаровон яшаши, мавсумни намунали ўтказиши учун масъул эканлигини унутмаймиз.





Йўл ва кўприклар
аҳоли хавфсизлигини таъминлаб, фаровонликка хизмат қилади

Жиззах вилоятида транспорт воситаларининг серқатновлигига мос келадиган ҳаракатни шакллантириш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини барқарор таъминлашга қаратилган лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этиляпти. Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида ҳудуднинг ташқи қиёфаси тубдан янгиланиш баробарида, фуқароларнинг кундалик ҳаётига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Жиззах вилоятининг маъмурий марказида ер ости пиёдалар ўтиш йўлагини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бундай катта лойиҳа вилоят ҳудудида аввал қайд этилмаган. Узунлиги 160 метрдан иборат ва умумий қиймати 28 миллиард сўмдан ортиқ бўлган замонавий лойиҳа шаҳарнинг Шароф Рашидов шоҳ кўчаси ва Буюк Турон кўчалари кесишмасидаги серқатнов чорраҳада бунёд этилмоқда. Унинг лойиҳа-сметаси “MegaTekinjiniring” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, қурилиш ва реконструкция ишларини “Камолиддин Файз Барака” МЧЖ жамоаси амалга оширмоқда. Объект фойдаланишга топширилгач, аҳолининг ўтиб-қайтишида юзага келадиган хавфли ҳодисалар барҳам топади. Транспорт воситалари қатновида эса тирбандлик бўлмайди.

Шу билан бирга, Шароф Рашидов туманини вилоят маркази билан боғловчи “Янги Ўзбекистон” массивидаги йўл ўтказгичда ҳам қурилиш-монтаж ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳа доирасида иншоотнинг мустаҳкамлигини ошириш, унинг хизмат муддатини узайтириш, транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва замонавий муҳандислик талабларига жавоб берадиган инфратузилмани шакллантириш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган. Объектдаги юмушларни ўз муддатида сифатли қилиб бажариш билан бирга унинг ён-атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида турли хил дарахт кўчатлари экилиб, суғориш тизимлари ишга туширилди.

Шунингдек, йўл инфратузилмасини яхшилаш юзасидан ишлаб чиқилган дастур бўйича вилоятдан ўтувчи давлат аҳамиятига эга автомобиль йўллари ва сунъий иншоотлар ҳамда ички йўлларни янгилаш ҳам кенг қамровда давом этмоқда. Жумладан, Д-047 автомобиль йўлининг кўприк атрофидаги сунъий қурилмалар замон талабига мослаштирилиб, яшил ҳудудга айлантирилди. 20 километрдан ортиқ халқаро аҳамиятга эга йўлларда қуриш-таъмирлаш ишлари бажарилди ва эскирган йўл белгилари ўрнига янгилари ўрнатилди.

Булардан ташқари, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашга қаратилган лойиҳалар асосида ички йўлларни тартибга келтириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Хусусан, Арнасой туманида 4 та, Дўстлик туманида 2 та, Зафаробод туманида 3 та, Ғаллаорол ва Бахмал туманларида 3 тадан, 2-5 километргача масофадаги кўчаларда асфальт ётқизиш ва шағаллаштириш, тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш ишлари бажарилмоқда. Бошқа туманларда ҳам белгиланган режа бўйича ободонлаштириш ишлари жадал давом этмоқда.

Қисқаси, бугунги кунда йўл инфратузилмасини яхшилашга йўналтирилган лойиҳалар амалда кенг татбиқ этилаётгани вилоятда ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик фаоллашиб, ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлиги ошаётганидан далолатдир.

Ёшлар ижтимоий-иқтисодий маркази
қурилиш ишлари бошланди

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга бўлган ташрифи давомида 47 та янги лойиҳага старт берилган эди. Хўжайли туманида ушбу лойиҳалардан бири, яъни, Ёшлар ижтимоий-иқтисодий маркази қурилиш ишлари бошланишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси Аманбай Орынбаев сўзга чиқиб, янги лойиҳа бошланиши муносабати билан йиғилганларни табриклади. Таъкидланганидек, Нукус шаҳридан 8 километр, Хўжайли тумани марказидан 5 километр узоқликда жойлашган мазкур лойиҳанинг умумий майдони 152 гектарни ташкил этиб, бу ерда нафақат уй-жойлар, балки замонавий шаҳарча барпо этиш режалаштирилган.

Хусусан, болалар боғчаси, мактаб, шифохона, савдо объектлари, меҳмонхона, спорт мажмуаси ва дам олиш зоналари барпо этилиши кўзда тутилган. Шаҳарчада жами 221 та кўп қаватли уй қурилиб, натижада 47 мингдан зиёд аҳолини шинам уй-жой билан таъминлаш имконияти яратилади.

Бугунги тадбирда ушбу улкан лойиҳанинг биринчи босқичига старт берилиб, унда хитойлик инвесторлар томонидан 7 қаватли 38 та уй, 3 та савдо мажмуаси, шунингдек, бетон маҳсулотлари ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши режалаштирилган.

Бухоро “Карвон”идаги ёнғин:
35 та махсус экипаж жалб этилди

Тунгги сукунат ўрнини кутилмаганда ташвишли хабарлар эгаллади. Бухоро шаҳридаги минглаб одамларнинг ризқ-рўзи ва рўзғори боғланган “Карвон” савдо комплексида кучли олов чиқди. Йиллар давомида пешона тери билан йиғилган маҳсулотлар кулга айланиб, кўплаб тадбиркорларни оғир синов қаршисида қолдирди.



Зулфизар МАВЛОНОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бухоро шаҳридаги “Карвон” савдо комплекси кўплаб маҳаллий аҳоли ва тадбиркорларнинг кундалик меҳнат қиладиган, гавжум масканларидан бири саналади. Бироқ, кутилмаган ва кўнгилсиз ҳодиса юз бериб, тадбиркорларга жиддий моддий зарар етказди.

“Шайхон” маҳалла фуқаролар йиғинидаги Ғиждувон кўчасида жойлашган ушбу йирик мажмуанинг умумий майдони 94 800 квадрат метрни ташкил этади. Унинг 5 200 квадрат метр майдони савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари учун ажратилган. Мазкур майдонда жами 4 та блокдаги 880 та дўкон аҳолига хизмат кўрсатиб келаётган эди. Кўнгилсиз ҳодиса туфайли бозорнинг 2 200 квадрат метр майдонига жиддий зарар етди.

Талафатнинг олдини олиш ва оловни ўчириш учун вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг 35 та махсус экипажи ҳамда 375 нафар қутқарувчиси сафарбар этилди. Шунингдек, вилоятга қўшни ҳудуд Навоий вилоятидан ҳам ёрдамчи кучлар тезкорлик билан етиб келишди. Ҳудудда тартибни сақлаш ва фуқароларнинг мулкини ҳимоя қилиш мақсадида Ички ишлар бошқармасининг 743 нафар ходими ҳамда Миллий гвардиянинг 200 нафар ҳарбий хизматчиси бозор атрофини тўлиқ назоратга олишди.

Ёнғин катта ҳудудни қамраб олгани ва баланд бўлганлиги учун уни бартараф этиш осон кечмади. Маиший техника ва парфюмерия бўлимларида қолган чўғлар, ёғоч ва енгил конструкцияларнинг қизиб кетиши оловнинг шиддатини янада оширган. Шу каби маҳсулотларнинг портлаши оқибатида янги олов ўчоқлари пайдо бўлиб турган. Натижада олов билан кураш тунги соат 02:30 ларга қадар давом этган.

Бу оғир дамларда атрофдаги одамлар ҳам четда турмади. Маҳаллий аҳоли, йўлдан ўтаётган ҳайдовчилар, хусусан, бозор яқинда жойлашган Бухоро давлат тиббиёт институти ва Осиё халқаро университети талабалари бир ёқадан бош чиқариб, ёрдамга ошиқди. Улар тонгга қадар ёнғиндан зарар кўрган савдо нуқталаридан маҳсулотларни хавфсиз жойларга кўчириш ишларида фаол иштирок этди. Бу ҳаракатлар ёнғин оқибатларини бартараф этиш жараёнида аҳоли ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро кўмакнинг яққол намунаси бўлди.

Ҳодиса оқибатида жароҳат олганлар ёки ҳалок бўлганлар қайд этилмади. Шунга қарамай, дўкон эгаларига “Тез ёрдам” ходимлари томонидан зарур тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатилди. Вилоят раҳбари Ботир Зарипов жабрланганлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш учун махсус штаб ташкил этди. Ҳозирда Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳодиса сабабларини ўрганмоқда, Ички ишлар бошқармасининг Тергов бошқармаси эса терговга қадар текширув ишларини олиб бормоқда.

Ҳудудда олов бартараф этилган бўлса-да, унинг асорати анча вақт изини йўқотмайди. Шунга қарамай, айни пайтда асосий эътибор етказилган зарарни аниқлаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳудуддаги фаолиятни қайта тиклашга қаратилмоқда.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “LOMBARD AVANGARD-KREDIT” МЧЖнинг 2026 йил 29 сентябрдаги 77-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Миробод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2026 йил 22 майдаги ижро хатларига асосан ундурувга қаратилган, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 60-уй, 66-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	4197	Цепь, о.в. 9,13 гр., ч.в. 9,13 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 5,60 гр., ч.в. 5,60 гр. 585 пр.; кольцо, о.в. 2,05 гр., ч.в. 2,05 гр., 585 пр.	12 404 897,16
2.	4237	Браслет, о.в. 18,67 гр., ч.в. 18,50 гр., 585 пр.	10 850 056,95
3.	4324	Кольцо, о.в. 3,28 гр., ч.в. 3,28 гр., 585 пр.	3 199 306,95
4.	4342	Серьги, о.в. 2,12 гр., ч.в. 2,12 гр., 585 пр.	1 970 136,95
5.	4389	Кольцо, о.в. 10,45 гр., ч.в. 6,00 гр., 585 пр.	4 790 056,95
6.	4490	Кольцо, о.в. 2,42 гр., ч.в. 2.42 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,20 гр., ч.в. 2.00 гр., 585 пр.	3 881 056,95
7.	4598	Серьги, о.в. 5,14 гр., ч.в. 4,70 гр., 585 пр.	4 232 536,95
8.	4728	Кольцо, о.в. 1,49 гр., ч.в. 1,49 гр., 750 пр.	1 987 306,95
9.	4755	Серьги, о.в. 5,56 гр., ч.в. 3,50 гр., 585 пр.	3 275 056,95
10.	4876	Кольцо, о.в. 2,14 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр.	1 608 556,95
11.	16	Браслет, о.в. 7,62 гр., ч.в. 7,50 гр., 585 пр.	7 138 306,95
12.	41	Серьги, о.в. 5,97 гр., ч.в. 5,70 гр., 585 пр.	4 921 154,95
13.	73	Цепь, о.в. 7,55 гр., ч.в. 7,55 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 4,51 гр., ч.в. 4,51 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,62 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.	13 122 556,95
14.	110	Браслет, о.в. 4,07 гр., ч.в. 4,07 гр., 585 пр.	3 805 306,95
15.	331	Серьги, о.в. 3,66 гр., ч.в. 3,40 гр., 585 пр.	3 426 556,95
16.	436	Серьги, о.в. 1,37 гр., ч.в. 1,37 гр., 585 пр.	1 532 806,95
17.	485	Кольцо, о.в. 3,61 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,87 гр., ч.в. 3,50 гр., 585 пр.	6 608 056,95
18.	490	Цепь, о.в. 5,00 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр.	4 790 056,95
19.	561	Цепь, о.в. 8,74 гр., ч.в. 8,74 гр., 375 пр.; кольцо, о.в. 3,32 гр., ч.в. 3,32 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 5,07 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.	10 783 396,95
20.	612	Кулон, о.в. 3,66 гр., ч.в. 3,10 гр., 585 пр.	3 275 056,95
21.	883	Кольцо, о.в. 1,66 гр., ч.в. 1,66 гр., 585 пр.	1 787 347,15
22.	949	Кольцо, о.в. 3,95 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 3,51 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 6,55 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр.	9 335 056,95
23.	972	Кольцо, о.в. 2,59 гр., ч.в. 2,59 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,13 гр., ч.в. 2,13 гр., 585 пр.	4 941 556,94
24.	1194	Серьги, о.в. 4,45 гр., ч.в. 3,90 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,76 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 9,60 гр., ч.в. 9,60 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 6,94 гр., ч.в. 6,94 гр., 585 пр.	23 030 656,94
25.	0-1488	Цепь, о.в. 1,60 гр., ч.в. 1,60 гр., 585 пр.	2 063 056,94
26.	0-1543	Серьги, о.в. 2,01 гр., ч.в. 2,01 гр., 585 пр.	2 441 806,94
27.	0-1607	Кольцо, о.в. 2,01 гр., ч.в. 2,01 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,12 гр., ч.в. 1,12 гр., 585 пр.	3 275 056,94
28.	0-1650	Кольцо, о.в. 6,94 гр., ч.в. 6,94 гр., 585 пр.	8 123 056,94
29.	0-1726	Серьги, о.в. 5,68 гр., ч.в. 4,20 гр., 585 пр.	2 972 056,94
30.	0-2058	Кольцо, о.в. 2,72 гр., ч.в. 2,72 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,22 гр., ч.в. 3,22 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 2,84 гр. ч.в. 2,10 гр., 585 пр.	9 335 056,94
31.	0-2084	Кольцо, о.в. 4,43 гр., ч.в. 3,50 гр., 750 пр.	5 320 306,94
32.	0-2131	Кольцо, о.в. 2,57 гр., ч.в. 2,40 гр., 585 пр.	2 972 056,94
33.	0-2138	Кольцо, о.в. 7,50 гр., ч.в. 7,50 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 8,57 гр., ч.в. 8,57 гр., 585 пр.	18 425 056,94
34.	0-2190	Кольцо, о.в. 2,37 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.	1 669 156,94
35.	0-2252	Кольцо, о.в. 2,15 гр., ч.в. 2,15 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 3,08 гр., ч.в. 3,08 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 4,23 гр., ч.в. 4,23 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 11,12 гр., ч.в. 11,12 гр., 585 пр.	23 727 556,94
36.	0-2309	Кольцо, о.в. 2,92 гр., ч.в. 2,50 гр., 375 пр.; серьги, о.в. 4,91 гр., ч.в. 4,10 гр., 375 пр.; кольцо, о.в. 1,54 гр., ч.в. 1,00 гр., 585 пр.	4 805 560,44
	Жами бошланғич баҳоси		**231 826 631,97**

Аукцион савдолари **2026 йил 10 ноябрь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2026 йил 6 ноябрь куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2026 йил 10 ноябрь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2026 йил 24 ноябрь ва 9 декабрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш кун аввал соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш, мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “Давр банк” Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71- 237-23-96.

Расмий веб сайт: www.rmm.uz.

001805 рақамли гувоҳнома.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 6 – 8 октябрь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари **Жалол Арашов,**

“Коммунал лойиҳа илмий тадқиқот институти” Давлат муассасаси бош мутахассислари **Людмила Ерофеева, Евгений Алексеенко,**

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси гуруҳ мудири **Абдурасул Тешабоев,**

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси АПТ мутахассиси **Азизбек Ходжиматов,** Шаҳрихон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Пўлатжон Абдуллаев,**

“Иссиқликтаъминоти” АЖ Ижро назорати ҳамда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўлими бошлиғи **Руслан Қаҳрамонов,** раҳбар котиби **Шаҳноза Яхяева,** Андижон вилояти филиали чилангари **Алишер Отабеков,** Янги Андижон қозонхона устаси **Камронбек Ёқубжонов,** Бухоро вилояти филиали ҳайдовчиси **Садриддин Ғафаров,** сувоқчи **Қобил Ниёзов,** Оҳангарон шаҳар фиалиали қозонхонага хизмат кўрсатиш бўйича чилангари **Шавкат Қосимов,**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ҳудудий инспекциялар қурилиш-монтаж ишларини назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Иброҳим Давлетов,** Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси лаборанти **Ашраф Атамурадов,** мутахассиси **Шаҳриддин Ахматқулов,** етакчи мутахассиси **Қамариддин Раҳматов,** етакчи мутахассиси **Элбек Холиқов,** Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Жасур Маматқулов,**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги “Толден Чорсу” БСК МЧЖ бош директори **Муҳаббат Бекчанова,** Сергели туманидаги “New era Building” БСК МЧЖ бош директори **Файзулла Нигматов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

Бизни кузатиб боринг!



“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Савдога “LOMBARD RELIABLE-KREDIT” МЧЖнинг 2026 йил 2 октябрдаги 23-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Миробод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2026 йил 20 май ва 9 июндаги ижро хатларига асосан ундурувга қаратилган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 11-мавзе, 16-уй, 14-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

№	Гаров патта рақами	Заргарлик буюмлар номи	Бошланғич баҳоси, сўмда
1.	0-1210	Цепь; цепь; цепь; кольцо; кольцо; кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. и красн. кам.; кольцо с бел. кам. погн.; серьги; кольцо с бел. кам.; браслет; кольцо. Общим весом 24,61 гр.	27 142 835,50
2.	0-1213	Цепь, смеш. накл. сломн.; серьги с бел. кам. Общим весом 13,08 гр.	14 273 680,18
3.	0-1305	Браслет с бел. кам. Общим весом 6,26 гр.	7 451 926,00
4.	0-1329	Серьги с бел. кам., с мет. накл.; серьги; кольцо с бел. кам.; кольцо; кольцо с красн. кам. Общим весом 11,59 гр.	13 587 676,00
5.	1-315	Цепь погн. Общим весом 5,85 гр.	6 982 276,00
6.	0-1412	Цепь погн.; кулон. Общим весом 4,34 гр.	4 323 269,20
7.	0-1472	Цепь погн. фраг. отсут.; браслет. Общим весом 15,37 гр.	16 920 676,00
8.	1-363	Кольцо погн. Общим весом 3,80 гр.	4 497 676,00
9.	0-1695	Серьги с брилл, с наклад. 583* вес – 2 гр.; кольцо с брилл., с наклад. 583* вес – 1 гр. Общим весом 9,99 гр.	17 072 176,00
10.	1-433	Цепь с бел. кам. Общим весом 12,78 гр.	13 082 726,50
11.	0-1803	Браслет погн.; кольцо с бел. кам.; кольцо погн. Общим весом 8,65 гр.	8 304 366,00
12.	0-1830	Часть с кож. №2112502003В не раб. Общим весом 5,50 гр.	6 421 726,00
13.	0-2002	Цепь с бирк. и пломб.; браслет с мет. накл. Общим весом 9,17 гр.	10 951 576,00
14.	0-2065	Кольцо с бел. кам. Общим весом 1,85 гр.	2 406 976,00
15.	0-2085	Кольцо; кольцо с мет. накл.; кольцо; кольцо. Общим весом 15,21 гр.	15 923 806,00
16.	0-2118	Кольцо слом. с бел. кам. с скотчем. Общим весом 1,66 гр.	2 179 726,00
17.	0-2147	Кольцо с бел. кам. Общим весом 2,56 гр.	2 831 176,00
18.	0-2154	Цепь сломн. фрагмент отсут.; кольцо с бел. кам.; кольцо с бел. кам.; серьги; серьги. Общим весом 18,32 гр.	21 314 176,00
19.	0-2232	Браслет с биркой; серьги; кольцо с биркой; кольцо погн. Общим весом 24,10 гр.	26 080 994,22
20.	1-572	Кольцо погн.; кольцо погн.; серьги с бел. кам. погн. Общим весом 15,93 гр.	18 587 176,00
21.	0-2365	Цепь погн.; браслет; кольцо погн.; кольцо погн.; кольцо с бел. кам. погн.; серьги с бел. кам. погн. Общим весом 17,32 гр.	20 253 676,00
22.	0-2377	Кольцо с желт. кам. Общим весом 2,46 гр.	3 134 176,00
23.	0-2399	Цепь погн.; цепь погн. Общим весом 17,59 гр.	20 738 476,00
24.	0-2478	Серьги погн. Общим весом 4,82 гр.	5 876 326,00
25.	0-2581	Серьги с бел. кам.; кольцо с бел. кам., 2-х кам. нет; цепь; цепь; серьги с бел. кам. погн.; серьги с бел. кам. с биркой. Общим весом 23,24 гр.	26 874 226,00
26.	0-2601	Серьги с бел. кам., с наклад. 375* вес – 1,26 гр. Общим весом 2,93 гр.	4 906 726,00
27.	0-2636	Серьги с биркой. Общим весом 3,00 гр.	3 588 676,00
28.	0-2672	Серьги с красн. кам.; кольцо с красн. кам.; серьги с разноцвет. кам. Общим весом 9,96 гр.	13 466 476,00
29.	0-2709	Серьги. Общим весом 5,26 гр.	4 937 026,00
30.	0-2725	Цепь погн.; серьги погн.; кольцо погн.; кольцо погн.; кольцо. Общим весом 16,60 гр.	23 389 726,00
31.	1-724	Кольцо с бел. кам., погн.; серьги с бел. кам., погн. Общим весом 5,17 гр.	5 755 126,00
32.	0-2768	Браслет погн. (б); кольцо с бел. кам. погн., паян., (б); кольцо с бел. кам. 3-х кам. нет. Общим весом 20,95 гр.	28 177 126,00
33.	0-2778	Кольцо с бел. камн. (Б) с накл. метал. Общим весом 6,33 гр.	5 770 276,00
34.	0-2801	Серьги с бел. кам.; кольцо с бел. кам.; серьги. Общим весом 9,24 гр.	12 572 626,00
35.	0-2809	Серьги с бел. и зел. кам. (с наклад. 375*1,64 гр.); кольцо с бел. кам., 1 кам. нет сломн. фраг. отсут.; кольцо с бел. кам. Общим весом 4,42 гр.	7 421 626,00
36.	1-769	Серьги погн. Общим весом 0,94 гр.	1 770 676,00
37.	0-2932	Браслет. Общим весом 19,08 гр.	22 041 376,00
38.	0-2980	Цепь сломн.; браслет с лаком и бел. кам. деформ. Общим весом 12,90 гр.	14 225 996,00
39.	1-821	Кольцо погн., паян.; кольцо погн.; кольцо с бел. кам., погн.; кольцо погн. (1 фраг. отсут). Общим весом 7,50 гр.	9 706 755,04
40.	1-822	Серьги погн.; кольцо с бел. кам. Общим весом 2,84 гр.	3 997 726,00
41.	0-3069	Браслет погн. Общим весом 4,05 гр.	5 709 676,00
42.	0-3089	Браслет; кольцо; браслет с бирк. + пломба + леска; кольцо с бел. кам.; кольцо погн.; кольцо с бел. и роз. кам., 1-го кам. нет. Общим весом 14,02 гр.	18 723 526,00
43.	1-847	Кольцо с бел. кам. погн. Общим весом 1,52 гр.	2 225 176,00
44.	0-3167	Кольцо с бел. камн. Общим весом 1,02 гр.	1 619 176,00
45.	0-3230	Колье с бел. камн. Общим весом 12,65 гр.	17 299 426,00
46.	0-3267	Кольцо с бел. кам. деформ.; кольцо сломн. фраг. отсут., 1-го кам нет. Общим весом 4,20 гр.	5 709 676,00
47.	0-3290	Кольцо погн.; кольцо; браслет с бел. камн.; кольцо со жгутом. Общим весом 8,96 гр.	12 193 876,00
48.	1-900	Серьги погн.; кольцо погн. Общим весом 3,53 гр.	3 285 676,00
49.	0-3307	кольцо с бел. камн.; кольцо. Общим весом 2,58 гр.	3 770 476,00
50.	0-3327	Цепь; кулон. Общим весом 14,17 гр.	15 405 676,00
51.	0-3329	Кольцо; кольцо. Общим весом 5,41 гр.	7 073 176,00
52.	0-63	Цепь слом., фраг. отсут.; кулон. Общим весом 4,13 гр.	5 558 176,00
53.	1-33	Кольцо с бел. кам., погн. Общим весом 1,26 гр.	1 922 176,00
54.	0-100	Кольцо погн.; кольцо погн. Общим весом 5,38 гр.	7 830 676,00
55.	0-120	Серьги с бел. камн. Общим весом 5,50 гр.	6 770 176,00
	Жами бошланғич баҳоси		**594 038 174,64**

Аукцион савдолари **2026 йил 12 ноябрь** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2026 йил 10 ноябрь куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2026 йил 12 ноябрь** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2026 йил 26 ноябрь ва 10 декабрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш кун аввал соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш, мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “Давр банк” Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

Телефон: 71-237-23-96.

Расмий веб сайт: www.rmm.uz.

001805 рақамли гувоҳнома.

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O‘zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

Таҳрир ҳайъати:
Шерзод Ҳидоятов (Таҳрир ҳайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “ЎзГАШКЛИТИ” МЧЖ, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 90-612-78-80.
Жиззах вилояти: 91-568-77-48.
Қашқадарё вилояти: 94-642-50-53.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-850-80-22.
Фарғона вилояти: 99-363-39-37.
Хоразм вилояти: 99-967-48-30.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 1041.
1211 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎзА якуни – 21.35 Топширилди – 22.20.

64 катакдаги ғалаба – ирода ва матонатнинг ёрқин намунаси

ёхуд Ўзбекистон спортининг нуфузи дунёни лол қолдирмоқда



Инсоннинг бирор соҳадаги катта ғалабаси, аслида, бир кунлик меҳнат ёки биргина омадли ҳаракат маҳсули эмас. Унинг ортида йиллар давомида тўпланган тажриба, ота-онанинг дуоси, устознинг сабри, машаққатли машғулотлар, мағлубиятлардан чиқарилган хулосалар ва энг муҳими, ўз кучига бўлган ишонч мужассам бўлади. Шу маънода Самарқандда ўтказилган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида Ўзбекистон эркаклар терма жамоасининг тарихий ғалабаси мамлакатимизда шахмат ривожининг янги босқичга кўтарилганини намоён этган муҳим воқеа бўлди.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.



Давлатимиз раҳбарининг шахмат ва парашахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоалари аъзолари, уларнинг яқинлари, устоз ва мураббийлари билан учрашувида ҳам бу ғалабанинг аҳамияти алоҳида таъкидланди. “Икки карра Олимпиада чемпиони деган юксак ва шарафли унвон барчамизга, бутун Ўзбекистон халқига муборак бўлсин!” деган Президент сўзлари ғалабанинг фақат спортдаги натижаси эмас, балки бутун халқнинг умумий қувончига айланганини яна бир бор ифодалади.

Самарқандда дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатидан 2 мингга яқин шахматчи, жумладан, кучли гроссмейстерлар ва амалдаги жаҳон чемпионлари иштирок этгани мусобақанинг қанчалик юқори даражада ўтганини кўрсатади. Ана шундай кучли рақобат майдонида Ўзбекистон байроғининг энг баланд кўтарилиши, айниқса, ғалабанинг ўз юртимизда, ўз халқимиз кўз ўнгида қўлга киритилгани билан янада қадрлидир.

Бу тарихий лаҳзаларни Самарқандга ташриф буюрган 60 мингдан ортиқ меҳмон, ҳудудларда ташкил этилган мухлислар майдонларидаги қарийб 500 минг киши ва телеэкран ҳамда интернет орқали кузатган миллионлаб юртдошларимиз биргаликда ҳис қилди. Демак, шахмат тахтаси ортида кечган баҳслар бир неча спортчининг шахсий мусобақасидан чиқиб, умуммиллий ғурур ва бирдамлик тимсолига айланди.

Ҳал қилувчи юришлар ортидаги катта меҳнат

Ҳар бир катта ғалабанинг ўз тарихи бўлади. Самарқанд Олимпиадасидаги чемпионлик ҳам ана шундай тақдирли лаҳзалар, кескин баҳслар ва юксак матонат билан яратилди. Айниқса, амалдаги Олимпиада чемпиони Ҳиндистон терма жамоасига қарши учрашув шахматчиларимиз учун жиддий синов бўлди. Нодирбек Ёқуббоев Ниҳал Саринга қарши партияда мураккаб вазиятга тушиб қолганига қарамай, курашни охиригача давом эттирди. Рақибнинг йўл қўйган хатосидан унумли фойдаланиб, амалга оширган тактик юришлари жамоамизга ҳал қилувчи очкони тақдим этди. Бу бир партиядаги ғалаба эди, аммо унинг ортида таслим бўлмаслик, вазият қанчалик оғир бўлмасин, охиригача курашиш каби муҳим фазилатлар мужассам эди.

Шундан кейин ўзбекистонлик шахматчилар якка пешқадамга айланди. Хитой терма жамоасининг 3:1 ҳисобида мағлуб этилиши, жаҳон рейтингида биринчи ўринда турган ва олти карра Олимпиада чемпиони бўлган АҚШ жамоасидан устун келиш эса жамоамизнинг тасодифий эмас, балки мустаҳкам тайёргарлик ва юксак салоҳиятга эга эканини кўрсатди.

Нодирбек Абдусатторовнинг мусобақани бирорта ҳам мағлубиятсиз якунлаб, биринчи тахтада олтин медалга сазовор бўлиши алоҳида эътиборга лойиқ. Жаҳон рейтингида учинчи ўринда турган Фабиано Каруанага қарши мураккаб ғалаба шахматчининг нафақат маҳорати, балки руҳий барқарорлиги ва катта босим остида тўғри қарор қабул қила олишини ҳам намоён этди.

Жавоҳир Синдоровнинг Номзодлар турниридаги тарихий муваффақияти эса ўзбек шахматининг жаҳон шахматидаги салоҳияти тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Олимпиадада ҳам совуққонлик ва барқарорлик намоён этган ёш шахматчи олдида энди янада катта марра – жаҳон тожи учун кураш турибди. Бу йўлда унга бутун Ўзбекистон халқининг ишончи ва дуоси ҳамроҳ.

Олимпиадада илк бор иштирок этган Муҳиддин Мадаминовнинг ҳал қилувчи кунда украиналик Роман Дехтиаровни қора доналарда мағлуб этиб, жамоага олтин медаль учун зарур очкони келтиргани ҳам чемпионликнинг жамоавий табиатини кўрсатади. Шамсиддин Воҳидовнинг амалдаги жаҳон чемпиони Гукешга қарши қора доналарда тенгма-тенг курашгани эса ҳар бир тахтадаги ҳар бир очко қанчалик қиммат эканини исботлади.

Шу боис Президентнинг “Бизда 2-3 нафар шахматчи эмас, балки бутун бошли кучли авлод бор десак, бу ҳам ҳақиқат”, деган фикри айни ҳақиқатнинг ифодасидир. Чунки бугунги ўзбек шахматида алоҳида юлдузлар билан бир қаторда уларнинг ортидан келаётган янги авлод ҳам шаклланмоқда.

Бу жараёнда аёл шахматчиларнинг ҳам ҳиссаси катта. Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 11 турнинг еттитасида ғалаба қозониб, кучли рақиблар билан муносиб беллашди. Афруза Ҳамдамова, Гулруҳбегим Тоҳиржонова, Умида Омонова, Нилуфар Имомқўзиева, Гулдона Каримова сингари шахматчиларнинг меҳнати алоҳида эътироф этилди. Энг муҳими, бугун қизлар шахматида ҳам катта мақсадлар ва юқори марраларга интилиш бор. Демак, Олимпиада шоҳсупасининг энг юқори поғонасида Ўзбекистон байроғини яна бир бор кўриш орзуси энди узоқ эмас.

Ғалаба ортидаги мактаб, ва устозлар меҳнати

Самарқанддаги ғалабани фақат Олимпиададаги сўнгги партиялар билан изоҳлаб бўлмайди. Чунки чемпионлар бир кунда етишиб чиқмайди. Улар ортида йиллар давомида яратилган мактаб, тизим, устозлар меҳнати ва ота-оналарнинг беқиёс қўллаб-қувватлаши туради.

Учрашувда Президент томонидан айтилган “Устознинг энг катта ғалабаси – шогирдларининг ундан ҳам баланд марраларга чиқишидир!” деган фикр ана шу ҳақиқатни тўла ифодалайди. Бугун ўзбек шахматининг афсонасига айланган Рустам Қосимжоновнинг янги авлодга ўз тажрибаси ва билимини етказаётгани ҳам ана шу устоз-шогирд анъанасининг давомидир.

Ўзбекистон шахмат федерациясининг ФИДЕ томонидан “Энг яхши федерация” деб эътироф этилгани, Рустам Қосимжоновнинг ФИДЕ фахрий вице-президенти, Ҳулкар Тоҳиржоновнинг эса Марказий Осиё бўйича минтақавий президенти этиб сайлангани ҳам мамлакатимиз шахматининг халқаро майдондаги нуфузи ошиб бораётганини кўрсатмоқда.

Энг муҳими, бу натижалар тасодифий эмас. 2018 йилда қабул қилинган қарор асосида умумтаълим мактабларида шахмат ўқитиш, мураббийлар тайёрлаш ва шахмат клубларини ривожлантиришга эътибор қаратилди. Бунинг самараси бугун яққол кўринмоқда. Сўнгги ўн йилда 17 нафар шахматчимиз халқаро гроссмейстер унвонига эга бўлди. Уларнинг беш нафари аёллар экани эса соҳада қизлар учун ҳам янги имкониятлар очилаётганини англатади.

Шу нуқтаи назардан, Президент томонидан белгиланган янги вазифалар шахматни спорт тури сифатида ривожлантиришдан кўра кенгроқ мақсадни қамраб олади. Ҳар бир вилоят, туман ва маҳаллада иқтидорли болаларни эрта аниқлаш, уларни кучли устозларга бириктириш, халқаро мусобақаларда иштирок этиши учун шароит яратиш – келажак чемпионларини бугундан тарбиялаш демакдир.

Айниқса, қизлар шахмати ва парашахматни ривожлантириш бўйича алоҳида тизим ташкил этилиши ижтимоий жиҳатдан ҳам муҳим. Самарқандда ўтказилган учинчи ФИДЕ парашахмат Олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоасининг илк бор бронза медалини қўлга киритиши бу йўналишда ҳам катта салоҳият борлигини кўрсатди. Селби Какишованинг ўз тахтасида кумуш медалга сазовор бўлиши, Абдулазиз Баҳодировнинг бронза медалини қўлга киритиши, Аҳадхон Кимсанбоевнинг мусобақани мағлубиятсиз якунлаши – ирода ва матонатнинг ёрқин намунасидир.

Эндиликда Тошкент халқаро шахмат академиясининг Самарқанд, Хоразм ва Фарғонада минтақавий филиаллари очилиши, юқори тоифали мураббийлар тайёрлаш йўлга қўйилиши, ФИДЕ рейтингида 1500 дан юқори балл тўплаган шахматчиларнинг хусусий клубларда ўқиш харажатларининг ярми давлат томонидан қопланиши иқтидорларни қўллаб-қувватлашнинг янги босқичини бошлаб беради.

“O‘zbekiston Grand chess” миллий бренди остида халқаро турнирларни мунтазам ўтказиш, Янги Тошкентда 500 кишилик ўйин зали, ётоқхона ва спорт майдончаларига эга замонавий шахмат саройини барпо этиш ташаббуси эса Ўзбекистонни нафақат кучли шахматчилар мамлакати, балки жаҳон шахматининг муҳим марказларидан бирига айлантириш мақсади борлигини кўрсатади.

Шахматчилар ва уларнинг мураббийларини муносиб рағбатлантириш ҳам ғалабанинг қадрини юксалтирди. Олимпиада чемпиони бўлган ҳар бир шахматчига 200 минг доллардан, мураббийларига 50 минг доллардан пул мукофоти ажратилгани, бронза медалини қўлга киритган парашахматчиларга 50 минг доллардан, уларнинг мураббийларига 12,5 минг доллардан берилгани меҳнатга бўлган юксак эътиборнинг ифодасидир. Чемпионлар ва парашахматчиларнинг уй-жой ҳамда автомобиллар билан тақдирлангани, терма жамоалар бош мураббийлари Рустам Қосимжонов ва Самандар Шермуҳаммадовга автомобиль топширилгани ҳам спортчиларга бўлган ҳурмат рамзидир.

Бироқ ҳар қандай мукофотдан устунроқ бир ҳақиқат бор: чемпионликнинг энг катта мукофоти – болалар қалбида уйғонган орзу. Бугун телевизор қаршисида Нодирбек Абдусатторовнинг партиясини кузатган, Жавоҳир Синдоровнинг ғалабасидан илҳомланган, Афруза Ҳамдамованинг шахмат тахтасидаги жасоратини кўрган минглаб болалар қўлига шахмат донасини олиб, ўзини келажак чемпион сифатида тасаввур қилаётган бўлиши мумкин.

Шу маънода Самарқанддаги Олимпиада ғалабаси бир мусобақанинг якуни эмас. У – янги марраларнинг бошланиши. Бугунги чемпионлар эртага устозга, уларнинг ғалабалари эса янги авлод учун йўл кўрсатувчи машъалга айланади.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу натижалар – “мактаб, тизим, ўзбек шахматининг янги даражаси”. Демак, эндиги вазифа эришилган натижадан қувониб қолиш эмас, балки уни барқарор анъанага айлантиришдир. Янги Ўзбекистонни дунё шахмат марказларидан бирига айлантиришдек улуғ мақсад эса айнан бугунги ғалабалар, бугунги устозлар ва бугун шахмат тахтаси олдида ўтирган минглаб ёшлардан бошланади.

Чемпионлар етиштираётган муҳит

Шахмат тахтасидаги тарихий ғалабалар, Олимпиада шоҳсупасидаги юксак натижалар мамлакатимизда спортга қаратилаётган эътиборнинг бир йўналишдаги самараси, холос. Бугун Ўзбекистон спорти ҳақида сўз кетганда, турли спорт турларида қўлга киритилаётган ютуқлар бир-бирини тўлдириб, юртимизда соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган тизимли ишлар ўз самарасини бераётганини кўрсатмоқда.

Қитъанинг энг нуфузли мусобақаларидан бири – Осиё ўйинларида спортчиларимизнинг мунтазам юқори натижалар қайд этаётгани ҳам бунинг яққол далилидир. Японияннинг Аичи ва Нагоя шаҳарларида ўтказилган XX Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчилари 21 та олтин, 25 та кумуш ва 24 та бронза, жами 70 та медалга сазовор бўлиб, 45 мамлакат орасида фахрли бешинчи ўринни эгаллади. Бу натижа, аввало, спортчиларнинг маҳорати ва матонати билан бир қаторда, улар учун яратилган шароит, мураббийлар меҳнати ва ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг самарасидир.

Мусобақалар давомида 89 та Осиё рекордининг янгиланиши, 54 та жаҳон рекорди, 212 та Осиё ўйинлари рекорди ҳамда 11 та жаҳон ўсмирлар рекорди қайд этилгани эса қитъа спортида рақобат тобора кучайиб бораётганини кўрсатади. Ана шу юксак рақобат муҳитида ўзбекистонлик спортчиларнинг ҳам рекордлар сафидан муносиб ўрин эгаллаши алоҳида аҳамият касб этади.

Оғир атлетика бўйича 110 килограмм вазн тоифасида баҳс олиб борган Акбар Жўраевнинг натижаси бунга яққол мисол. У даст кўтаришда дастлаб 190 килограмм оғирликни забт этиб, Осиё ўйинлари рекордини янгилади. Бироқ чемпион учун бунинг ўзи кифоя эмас эди. Учинчи уринишда 197 килограмм натижа қайд этиб, жаҳон рекордини янгилагани спортдаги юксак мақсад, қатъият ва ўз имкониятига ишонч қандай натижаларга олиб келишини яна бир бор намоён этди.

Ўқ отиш баҳсларида Владимир Свечниковнинг 10 метр масофадан пневматик тўппончадан отиш дастурида 244,3 очко жамғариб, Осиё ўйинлари рекордини янгилагани ҳам юртимиз



спорт мактабларида турли йўналишлар бўйича юқори натижа кўрсата оладиган спортчилар шаклланаётганини кўрсатади. Муҳими, бу рекордлар медаль билан бирга мамлакат байроғи ва мадҳиясининг халқаро майдонда яна бир бор янграшига сабаб бўлмоқда.

Бу манзарага океан ортидаги футбол майдонларидаги тарихий воқеани ҳам қўшсак, Ўзбекистон спортининг географияси ва имкониятлари тобора кенгайиб бораётганини англаш қийин эмас. Ҳамюртларимизнинг футбол бўйича жаҳон чемпионатида илк бор иштирок этиши мамлакатимиз футболи учунгина эмас, балки бутун ўзбек спорти учун катта воқеа бўлди. Чунки жаҳоннинг энг нуфузли спорт мусобақасида Ўзбекистон миллий терма жамоасининг иштирок этиши спортчиларимиз энди фақат минтақавий мусобақаларда эмас, балки глобал майдонларда ҳам ўз салоҳиятини намоён этаётганининг ёрқин ифодасидир.

Аслида, бугунги ҳар бир ғалаба ортида кўзга кўринмайдиган улкан меҳнат бор. Замонавий спорт иншоотлари, малакали мураббийлар, мусобақаларга тайёргарлик учун яратилаётган шароитлар, иқтидорли ёшларни эрта аниқлаш ва уларни профессионал спортга йўналтириш каби омиллар бир-бири билан уйғунлашгандагина катта натижалар юзага келади. Шу маънода бугун спортга қаратилаётган эътиборни фақат медаллар сони билан ўлчаш тўғри эмас. Энг катта натижа – спортга қизиқиб, ўз олдига юксак мақсад қўяётган, ғалабага ишонаётган янги авлоднинг шаклланаётганидир.

Бугун шахмат тахтаси қаршисида ўтирган бола Нодирбек Абдусатторов ёки Жавоҳир Синдоровга қараб ўз келажагини тасаввур қилади. Спорт залларида машқ қилаётган ёшлар Акбар Жўраевнинг жаҳон рекордини янгилаган уринишидан руҳланади. Футболга меҳр қўйган ўсмир эса миллий терма жамоанинг жаҳон чемпионатидаги иштирокини кўриб, бир кун келиб ўзи ҳам Ватан шарафини ҳимоя қилишни орзу қилади.

Демак, бугунги ғалабаларнинг энг катта қиймати – уларнинг эртанги ғалабаларга йўл очаётганида. Бугун яратилаётган имкониятлар эса ана шу йўлнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, Ватан байроғини халқаро майдонларда баланд кўтариш нафақат спортчининг, балки уни тарбиялаган оила, устоз, мураббий ва бутун жамиятнинг ғуруридир. Шунинг учун бугунги спорт ютуқларига қарар эканмиз, медаллар ортидаги меҳнатни, рекордлар ортидаги машаққатни, ҳар бир ғалаба замирида турган ишончни ҳис этамиз. Энг қувонарлиси эса бу ишонч тобора ёш авлод қалбига кўчиб бормоқда. Эртага мамлакатимиз байроғини яна баланд кўтариб, Ўзбекистон номини дунёга танитадиган янги чемпионлар айнан шу муҳитда, шу имкониятлар ва шу ишонч бағрида вояга етмоқда.